

Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

*5230900 – Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (қишлоқ хўжалигидан)*  
бакалавриат таълим йўналишининг малака талаблари

Тошкент

ЎЗР ОЎМТЗ  
Бўйруқ № 418  
“14.08.2020”

## **ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:**

- Тошкент давлат аграр университет;
- Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш маркази

## **ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2020<sup>йил</sup> «14 август» даги 3 - сонли йиғилишида маъқулланган. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020<sup>йил</sup> «14 август» даги 418 - сонли буйруғи билан тасдиқланган.

## **ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаби 230 000 - Иқтисод таълим соҳаси Давлат таълим стандарти, Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий ҳужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси худудида Малака талабини расмий чоп этиш ҳукуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишилдири.

## МУНДАРИЖА

Т/р		бет
1.	5230900-Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (қишлоқ хўжалигида) бакалавриат таълим йўналишининг умумий тавсифи .....	4
1.1.	Кўлланиш соҳаси .....	4
1.1.1.	5230900-Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (қишлоқ хўжалигида) таълим йўналиши Малака талабининг кўлланилиши .....	4
1.1.2.	Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари.....	4
1.2.	5230900-Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (қишлоқ хўжалигида) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи .....	4
1.2.1.	5230900-Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (қишлоқ хўжалигида) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг соҳалари .....	4
1.2.2.	5230900-Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (қишлоқ хўжалигида) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари.....	4
1.2.3.	5230900-Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (қишлоқ хўжалигида) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари.....	5
1.2.4.	5230900-Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (қишлоқ хўжалигида) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари.....	5
2.	5230900-Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (қишлоқ хўжалигида) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар .....	6
2.1.	Умумий компетенциялар.....	6
2.2.	Касбий компетенциялар.....	7
2.3.	Касбий квалификациялар.....	8
3.	5230900-Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (қишлоқ хўжалигида) бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар.....	8
3.1.	5230900-Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (қишлоқ хўжалигида) бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурларига қўйиладиган умумий талаблар ....	8
3.2.	5230900-Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (қишлоқ хўжалигида) бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми .....	9
	Библиографик маълумотлар.....	10

## **1. 5230900- Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (қишлоқ хўжалигида) бакалавриат таълим йўналишининг умумий тавсифи**

*5230900-Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (қишлоқ хўжалигида)* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлаш кундузги, кечки ва сиртқи таълим шаклларида амалга оширилади. Барча таълим шакллари бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил килинади. Кундузги таълимда бакалавриат дастурининг меъёрий мuddати 4 йил.

### **1.1. Қўлланиш соҳаси.**

#### **1.1.1. 5230900-Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (қишлоқ хўжалигида) таълим йўналиши Малака талабининг қўлланилиши.**

Малака талаби *5230900-Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (қишлоқ хўжалигида)* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи барча олий таълим ташкилотлари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

#### **1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари:**

- мазкур таълим йўналиш бўйича малака талаблари, ўкув режа ва фан дастурларини ишлаб чиқиши ва янгилаш, улар асосида ўкув жараёнини самарали амалга ошириш учун масъул ҳамда ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим ташкилотининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўкув бўлими бошлиги, деканлар ва кафедра мудирлари) ва профессор-ўқитувчилари;
- таълим йўналишининг ўкув режаси ва фан дастурларини ўзлаштирувчи олий таълим ташкилотининг талabalari;
- бакалавриат битирувчиларининг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;
- таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари;
- олий таълим ташкилотларини молиялаштиришни таъминловчи органлар;
- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли давлат органлари;
- кадрлар буюртмачилари ва иш берувчи ташкилот ва корхоналар;
- олий таълим ташкилотларига ўқишга кираётган абитетиентлар, уларнинг отоналари ва бошқа манфаатдор шахслар.

#### **1.2. 5230900-Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (қишлоқ хўжалигида) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи.**

##### **1.2.1. 5230900-Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (қишлоқ хўжалигида) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари:**

*5230900-Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (қишлоқ хўжалигида)* – иқтисодиёт соҳасидаги йўналиш бўлиб, у давлат, акционерлик ва хусусий компаниялар (фирмалар), ишлаб чиқарishi бирлашмаларининг барча йўналишлари, иқтисодий-ҳуқуқий ва ташкилий асослари, фаолият тамойиллари, ликвидлилиги ва тўлов қобилиятини таъминлаш билан боғлиқ комплекс масалалар мажмуасини камраб олади.

##### **1.2.2. 5230900-Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (қишлоқ хўжалигида) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари:**

- агросаноат мажмуи корхоналарида бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат бўлимлари;
- фермер хўжаликлари;
- агрофирмалар ва агрокластерлар;
- агросанаот мажмууда фаолият кўрсатаётган масъулияти чекланган жамиятлар;
- аграр соҳадаги акциядорлик жамиятлари;
- агромашсервис корхоналари ва лизинг компаниялари;

- машина-трактор парклари;
- давлат солик тизими органлари;
- хўжалик юритувчи субъектларднинг ички аудит хизмати;
- аудиторлар ишининг сифатини назорат қилиш бўлинмалари;
- илмий тадқиқот жараёнлари.

**1.2.3. 5230900-Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (қишлоқ хўжалигида) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари:**

- молиявий-иқтисодий;
- ҳисоб, назорат ва таҳлил;
- ташкилий-бошқарув;
- илмий тадқиқот;
- консалтинг хизмати фаолияти.

**1.2.4. 5230900-Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (қишлоқ хўжалигида) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари.**

5230900-Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (қишлоқ хўжалигида) таълим йўналиши бўйича Миллий малака рамкасининг 6-малака даражаси ҳамда бакалавр касбий фаолиятларининг соҳалари, обьектлари ва турларига мувофиқ бакалавриат битирувчиси қўйидаги касбий вазифаларни бажаришга қодир болиши лозим:

**Молиявий-иқтисодий фаолиятида:**

- аграр корхоналар, хусусан, фермер хўжаликлари молиясини ташкил этиш ва бошқаришга доир Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳамда қонуности хужжатларини билиши ҳамда улардан ўз фаолиятида фойдалана олиш;
- инвестицион лойиҳаларнинг муқобил варианtlарини ишлаб чиқиш, мақбулини асослай олиш;
- аграр соҳа корхоналарида режа ва бюджетларнинг асосий иқтисодий кўrsatkiчlarini ҳисоб-китоб қилиш учун зарур дастлабки маълумотларни тайёрлаш;
- операцион ва молиявий бюджетларни ишлаб чиқиш, бюджетлаштириш тизимини жорий этиш;
- аграр сектор субъектлари фаолиятининг самарадорлигини баҳолашда молиявий кўrsatkiчlarни ҳисоблаш усулларини қўллаш;
- аграр сектор субъектларида аудитни ташкил этиш ва ўтказиш;
- аграр сектор субъектларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш ва уни ривожлантириш йўлларини ишлаб чиқиш.

**Ҳисоб, назорат ва таҳлил фаолиятида:**

- касбий фаолият соҳаси бўйича қўйилган масалаларни ҳал қилиш учун зарур маълумотларни йигиш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш усулларини билиш;
- бухгалтерия ҳисобини юритиш;
- иқтисодий маълумотларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш;
- мулкчилик шаклидан қайтий назар корхоналар фаолиятини халқаро амалиёт мезонлари, меъёrlари ва талаблари асосида таҳлил қилиш;
- ҳисоб-китобларни таҳлил қилиш ва ўз ечимини асослаш, молиявий ва иқтисодий маълумотларга қайта ишлов беришнинг турли воситаларидан фойдаланиш;
- молиявий-иқтисодий жараёнларнинг туркумланишига асосланган стандарт назарий ва эконометрик моделларни яратиш, улардан олинган натижаларни таҳлил қилиш ва изоҳлаш;
- халқаро стандартлар асосида молиявий ҳисботни тузиш ва тақдим этиш;
- бюджетлаштириш ва прогнозлаш учун бухгалтерия, молиявий ва бошқа ахборотларни таҳлил қилиш ва шарҳлаш;
- молиявий кўrsatkiчlarning ўзгариш динамикаси ва тенденцияларини таҳлил қилиш,

- аудиторлик фаолияти бүйича халқаро тажрибаларни таҳлил қилиш қобилятига зга бўлиши;

- илмий ҳамда хисоб, таҳлил ва назорат фаолияти муаммоларини чуқур таҳлил қилиш, масалаларни қўйиш ва асослаш;

- молиявий ва статистик ҳисботларни тузиш ҳамда уларни шарҳлаш;

- тақдим этилган лойиҳаларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш ва уларнинг молиявий-иктисодий натижаларини таҳлил қилиш;

- таҳлилий масалаларни хал қилишда замонавий ахборот технологияларидан ва техник воситалардан фойдаланиш.

### **Ташкилий-бошқарув;**

- меҳнатга ҳақ тўлаш ва рағбатлантиришни ташкил этиш ҳамда тартиба солиш;

- бухгалтерлик ва аудиторлик фаолиятларини ташкил қилиш ҳамда бошқариш жараёнларини режалаштириш, юритиш, таҳлил қилиш ва оптималлаштириш, бухгалтерлар ва аудиторлар жамоасини бошқариш;

- бизнес-жараёнларини бошқариш;

- бошқарув қарорларини тайёрлаш ва қабул қилиш;

- иш режаси тузиш, бажарилишини назорат қилиш ва бажарилган ишлар натижаларини баҳолаш.

### **Илмий тадқиқот фаолиятида:**

- илмий тадқиқотларнинг назарий ва методологик асосларини билиш, тадқиқот обьекти, предмети ва методларини шакллантириш тўғрисида тушунчага зга бўлиш;

- интернет тармоғида энг янги илмий ютуқлар ҳақидаги маълумотларни мақсадга йўналган ҳолда қидириш ва топиш;

- таълим йўналишидаги фанларга оид илмий тўпламлар, маҳаллий ва чет эл олимларининг ютуқларини ўрганиш;

- илмий тадқиқот ишланмаларини тайёрлаш, соҳага оид илмий адабиётлар экспертизасини амалга оширишда қатнашиш;

- мавзуга оид маълумотларни жамлаш, кайта ишлаш ва илмий ахборотларни тизимли таҳлил қилиш;

- тадқиқот натижалари ва ишланмаларини амалиётга татбиқ этиш.

### **Консалтинг хизмати фаолиятида:**

- бухгалтерия ҳисоби ва аудиторлик хизматлари бозори ривожланишининг таҳлилий шарҳларини ишлаб чикиш;

- бухгалтерия ҳисоби, молия ва солиқка тортиш соҳасида консалтинг хизматларини кўрсатиш.

## **2. 5230900-Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (қишилоқ хўжалигида) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

### **2.1. Умумий компетенциялар:**

- давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий-иктисодий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиш;

- хорижий тиллардан бирида касбий фаолиятига оид хужжатлар ва ишлар мөҳиятини тушуниши, табиий илмий фанлар бўйича касбий фаолияти доирасида зарурий билимларга зга бўлиши ҳамда улардан замонавий илмий асосда касб фаолиятида фойдалана билиш;

- ахборот технологияларини касбий фаолиятида қўллай билиши, ахборотларни йигиши, сақлаш, кайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усусларини эгаллаган бўлиши, фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиш;

- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат

фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиш;

- соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти түгрисида тассаввурга эга бўлиш.

## **2.2. Касбий компетенциялар:**

- мөъёрий-хукуқий хужжатларни излаш, таҳлил қилиш ва улардан касбий фаолиятида фойдаланиш кўникмаларига эга бўлиш;

- ташкилий тузилмаларни оптималлаштириш, кадрларни бошқариш стратегиясини қўллаш, тадбирларни режалаштириш ва амалга ошириш кўникмаларига эга бўлиш;

- хўжалик субъектларида бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудиторлик фаолиягини ташкил этиш ва амалга оширишни билиши;

- бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит соҳаларига тегишли мамлакатдаги ва хорижий давлатлардаги фан-техника ютуқларини, маҳсус адабиётларни ва бошқа илмий-техник ахборотларни ўргана олиши;

- мавзу бўйича иқтисодий ахборотларни йигиш, таҳлил қилиш ва тизимлаштириш ишларини амалга ошириш кўникмаларига эга бўлиш;

- интернет тармоғидан энг янги илмий-техник ютуқлар хақида маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилиш кўникмаларига эга бўлиш;

- илмий тадқиқот натижаларини амалиётга қўллаш жараёнларида катнашиш малакасига эга бўлиш;

- бухгалтерия ҳисоби ва аудитнинг моҳиятини ўрганиш, концепциялар, тамоиллар ва мақсадларни ишлаб чиқиш ва татбиқ қилиш малакасига эга бўлиш;

- даромад ва харажатлар шаклланиши, бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари, хўжадик юритувчи субъекларнинг молиявий-хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш кўникмаларига эга бўлиш;

- иқтисодий таҳлил усууллари, асосий воситалардан фойдаланишининг самарадорлиги ва хўжалик юритувчи субъект рентабеллиги, хўжалик юритувчи субъект ва ташкилотларниш молиявий ҳолатини таҳлил қилиш малакасига эга бўлиш;

- аудитнинг обьекти, сифати ва соҳалари ҳамда аудит ўтказишни ташкил этишни билиш;

- аудитнинг миллий стандартларини, аудитни тартибга солишнинг конуний ва мөъёрий хужжатларини билиш;

- хўжалик юритувчи субъектларда бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш малакасига эга бўлиш;

- ички хўжалик назоратини ўрнатишида консалтинг хизматларни кўрсатиш ва маслаҳатлар бериш кўникмасига эга бўлиш;

- хўжалик юритувчи субъектларни зарурӣ услубий материаллар билан таъминлаш малакасига эга бўлиши;

- хўжалик юритувчи субъектларда бухгалтерия хизмати ишини режалаштириш ва ташкил этишни билиш;

- ички аудит хизмати ишини режалаштиришни билиш;

- ички аудит хизмати ишини амалга оширишни билиш;

- ташки аудиторлик текширувларини ташкил қилиш ва ўтказиш малакасига эга бўлиш;

- бухгалтерия ҳисоби ва аудитда ахборот технологиялар тизимини яратиш вв улардан фойдаланиш билан боялиқ бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш методлари ва механизмларини ишлаб чиқиш кўникмасига эга бўлиш;

- хўжалик юритувчи субъектларда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнларини назорат қилишда иштирок этиш малакасига эга бўлиш;

- самарали бошқарув қарорларини қабул қилишни билиш;

- иш режасини тузиш ва бу ишни назорат қилиш, ишни бажариш учун зарур бўлган ресурсларни режалаштириш, ўз ишининг натижаларини баҳолаш ва назорат қилиш тизими талабларига мослигини мониторинг қилиш кўникмасига эга бўлиш.

### **2.3. Касбий квалификациялар:**

Бухгалтер, бухгалтер-тафтишчи, аудитор, кассир, иқтисодчи, давлат солиқ инспектори-тафтишчиси, директор (рахбари), тижорат директори, иқтисодчи-менежер, иқтисодчи-статистист, молиячи, молиявий таҳлилчи, иқтисодчи-молиячи квалификацияларига эга бўлиш мумкин.

### **3. 5230900-Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (қишилоқ хўжалигидаги) бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар**

#### **3.1. 5230900-Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (қишилоқ хўжалигидаги) бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурларига қўйиладиган умумий талаблар**

Бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурлари таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи ҳамда касбий компетенцияларига қўйиладиган талабларга мувофиқ, талабалар мажбурий ва танлов фанларини ўзлаштириши, амалиётларни ўтиши ва натижада касбий фаолиятида зарур билим, кўникма ва малака компетенцияларини эгаллашини таъминловчи мазмунда ишлаб чиқилади.

Ўқув режаси кредит-модуль тизими асосида шакллантирилади. Бунда ўқув жараёни графики, ҳафталар кесимида ўқиш вақти, аттестациялар, амалиётлар, татиллар, семестрлар бўйича ўтиладиган “Табиий-илмий ва гуманитар фанлар”, “Умумкасбий фанлар”, “Махсус фанлар”, машғулотлар турлари, ажратилган соатлар, кредитлар, фанлар коди, Давлат аттестацияси ва бошқалар кўрсатилади.

Ўқув режаларга киритиладиган мажбурий ва танлов фанлар турдош олий таълим муассасалар билан ҳамкорликда таянч олий таълим муассасалари томонидан белгиланади.

#### **3.2. 5230900-Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (қишилоқ хўжалигидаги) бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми**

Барча турдаги аудитория ва аудиториядан ташқари ўқув ишларини ўз ичига олган ўқув юкламасининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 54 соат килиб белгиланади. Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда (кундузги) ўқиш шакли учун аудитория машғулотларининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 30 соатгача қилиб белгиланиши мумкин.

Ўқишининг меъёрий муддати тўрт йил бўлгани ҳолда ўқув жараёни 204 ҳафта давом этиши зарур.

Ўқув даврининг умумий ҳажми қуидагича тақсимланиши мақсадга мувофиқ:

Ўқув даврлари	Кундузги таълим шакли учун*	Кечки таълим шакли учун*	Сиртқи шакли таълим учун*
Назарий ва амалий таълим*	40-60%	40-60%	40-60%
<i>Шу жумладан, мустақил таълим</i>	-	15-35%	25-45%
Аттестация	6-8%	6-8%	6-8%
Таътил	10-30%	10-30%	10-30%
Малакавий амалиёт	15-30%	15-30%	15-30%
Битирув малакавий иши	2-3%	2-10%	2-10%

## **Библиографик маълумотлар**

УДК 002: 651. 1/7

Гуруҳ Т 55

OKC 01.040.01

---

### **Таянч сўзлар:**

касбий фаолият тури, компетенция, таълим йўналиши, касбий фаолият обьекти, касбий фаолият соҳаси, бакалавриатнинг асосий ўқув режа ва фан дастурлари, профиль, ўқиб-ўрганиш натижалари, ўқув даври, бухгалтерия ҳисоби, аудит, таҳлил, тармоқлар ва соҳалар, малака талаблари, бакалавриатнинг ўқув жараёни, сифатни баҳолаш ва назорати, мустакил таълим, ишлаб чиқариш, ташкилий-бошқарув фаолияти, малака амалиёти, битирув малакавий иши, давлат аттестацияси, ўқув фанлари блоки, олий таълим муассасаси, таълим жараёни, молиявий-иқтисодий фаолият, ҳисоб, назорат ва таҳлил фаолияти, ташкилий-бошқарув жараёни, илмий тадқиқот, ишлаб чиқариш, лойиҳалаш, илмий тадқиқот жараёни.

Илова

**5233600 – Қишилоқ ҳўжалигида корпоратив бошқарув таълим йўналиши бўйича  
таълим дастурининг тузилиши**

T/p	Ўқув блоклари, фанлар ва фаолият турларининг номлари	Умумий юкламанинг хажми, соатларда
<b>1.00</b>	<b>Табиий-илмий ва гуманитар фанлар</b>	<b>1740</b>
1.01	Иктисадчilar учун математика	300
1.02	Мутахассисликка кириш	120
1.03	Илмий тадқиқот ишини ташкил этиш	180
1.04	Иктисадиётда ахброт-комплекслари ва технологиялари	300
1.05	Ўзбекистоннинг энг янги тарихи	120
1.06	Фалсафа	180
1.07	Ўзбек (рус) тили	180
1.08	Хорижий тил	240
1.09	Жисмоний тарбия ва спорт	120
<b>2.00</b>	<b>Умумкасбий фанлар</b>	<b>2520</b>
2.01	Иктисадиёт назарияси	420
2.02	Эконометрика	210
2.03	Статистика	270
2.04	Менежмент.Маркетинг	180
2.05	Микроиктисадиёт. Макроиктисадиёт	240
2.06	Молия	180
2.07	Сугурта иши	120
2.08	Пул ва банклар	180
2.09	Молия бозори ва молиявий технологиялар	240
2.10	Бюджет ҳисоби	120
2.11	Молиявий менежмент	120
2.12	Инвестиция ва инновациялар	120
	<i>Умумкасбий танлов фанлари</i>	120
<b>3.00</b>	<b>Ихтисослик фанлари</b>	<b>2010</b>
3.01	Бухгалтерия ҳисоби назарияси	330
3.02	Иктисадий таҳлил назарияси	180
3.03	Соликлар ва соликка тортиш	150
3.04	Бухгалтерия ҳисоби	480
3.05	Аудит	240
3.06	Молиявий таҳлил	180
3.07	Аудитнинг халқаро стандартлари	180
3.08	Молиявий ҳисботнинг халқаро стандартлари	180
	<i>Ихтисослик танлов фанлари</i>	90
<b>4.00</b>	<b>Қўшимча фанлар</b>	<b>270</b>
		<b>ЖАМИ</b>
	Малакавий амалиёт	660
	Якуний давлат аттестацияси	
	Аттестациялар	
		<b>ЖАМИ</b>
		660
		<b>Ҳаммаси</b>
		7200

Ўқув ишлари бўйича проректор



*С.Я.Исламов*

С.Я.Исламов

Ишлаб чиқувчилар, келишилган асосий кадрлар истеъмолчилари

ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:

Тошкент давлат аграр университети

Ректор  Б.Сулаймонов

М.У.

2020 йил « 20 » сенга



Ўзбекистон Республикаси

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги хузуридаги Олий таълим министривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш маркази

Директор  З.Хакимов

М.У.

2020 йил « 20 » сенга



КЕЛИШИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси  
Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Ўқув  
юртлари ва малака ошириш бўлими

Бошлиқ  Ш.Жониқулов

М.У.

2020 йил « 30 » сенга

Тошкент молия институти

Ректор  С.У.Мехмонов

2020 йил « 30 » сенга

М.У.



Ўзбекистон бухгалтерлар ва аудиторлар  
миллий ассоциацияси

Кенгани раиси  М.М.Тулаходжаева

М.У.

2020 йил « 30 » сенга



МЧЖ шаклидаги “TRANS AUDIT A”  
аудиторлик ташкилоти

Директор  У.И.Тулаев

2020 йил « 30 » сенга



**5230900-Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (қишилоқ хұжалигіда) таълим йұналиши  
бүйіча малака талаблари ва үқув режасини ишлаб чикувчи  
Ишчи гурұх таркиби**

т/р	Ишчи гурұх раиси ва аъзоларининг <b>Ф.И.Ш.</b>	Лавозими, илмий даражаси ва унвони, иш жойи	Имзо
<b>Раис</b>			
1	Д.Мамадияров	Агрологистика ва бизнес факультети декани	
<b>Аъзолари:</b>			
2	Б.Менгликулов	Агрологистика ва бизнес факультети ҮУК раиси, ишчи гурұх раиси үринбосари	
3	Р.Дусмуратов	Бухгалтерия ҳисоби, таҳлил ва аудит кафедраси мудири	
4	И.Давлетов	Бухгалтерия ҳисоби, таҳлил ва аудит кафедраси доценти	
5	А.Болтаев	Бухгалтерия ҳисоби, таҳлил ва аудит кафедраси катта үқитувчиси	
6	Э.Юсупов	Агробизнес ва инвестицион фаолият кафедраси мудири	
7	З.Сиддиқов	Агробизнес ва инвестицион фаолият кафедраси доценти	
87	М.Сайдов	Агрологистика кафедраси мудири	
9	З.Кушаров	Ахборот технологиялари ва математика кафедраси мудири, доцент	

Үқув ишлари бүйіча проректор





С.Я.Исламов

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги**  
**бакалавриат таълим йўналишлари (магистратура мутахассислари) учун янгидан яратиладиган малака талабларига**  
**киритиладиган кадлар истеъмолчиларининг таълим йўналиши (магистратура мутахассислиги) битирувчилари қасбий**  
**фаолиятларига қўйиладиган умумий малака талаблари (қасбий компетентлик талаблари)**

т/р	<b>Вазирлик(идора)нинг ташкilot(корхона)лари учун кадр тайёрланаётган бакалавриат таълим йўналиши (магистратура мутахассислиги)</b>		<b>Вазирлик(идора)нинг таълим йўналиши (магистратура мутахассислиги) битирувчилари қасбий фаолиятларига қўйиладиган умумий малака талаблари (қасбий компетентлик талаблари)</b>
	<b>Шифри</b>	<b>Номи</b>	
1	5230 900	<b>Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (қишлоқ хўжалигига)</b>	<p><b>Битирувчи қўйидаги қасбий компетенция ва қобилияtlарга эга бўлиши керак:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>– хўжалик субъектларида бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудиторлик фаолиятини ташкил этиш ва амалга ошириш;</li> <li>– бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит соҳаларига тегишли мамлакатдаги ва хорижий давлатлардаги фан-техника ютукларини, махсус адабиётларни ва бошқа илмий-техник ахборотларни ўргана олиш;</li> <li>– мавзу бўйича иқтисодий ахборотларни йиғиш, таҳлил қилиш ва тизимлаштириш ишларини амалга ошириш;</li> <li>– интернет тармогидан энг янги илмий-техник ютуклар ҳақида маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилиш;</li> <li>– илмий-тадқикот натижаларини амалиётга қўллаш жараёнларида катнашиш;</li> <li>– бухгалтерия ҳисоби ва аудитнинг моҳиятини ўрганиш, концепциялар, тамойиллар ва мақсадларни ишлаб чиқиши ва татбик қилиш;</li> <li>– даромад ва харажатлар шаклланиши, бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари, хўжадик юритувчи субъектларнинг молиявий-хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш;</li> <li>– иқтисодий таҳлил усуслари, асосий воситалардан фойдаланишининг самарадорлиги ва хўжалик юритувчи субъект рентабеллиги, хўжалик юритувчи субъект ва ташкilotларнинш молиявий ҳолатини таҳлил қилиш;</li> <li>– аудитнинг обьекти, сифати ва соҳалари ҳамда аудит ўтказишни ташкил этиш;</li> <li>– аудитнинг миллий стандартларини, аудитни тартибга солишнинг конуний ва меъёрий хужожатларини ўрганиш;</li> <li>– хўжалик юритувчи субъектларда бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш</li> <li>– ички хўжалик назоратини ўрнатишда консалтинг хизматларни кўrsатиш ва маслаҳатлар</li> </ul>

			<ul style="list-style-type: none"> <li>бериш;</li> <li>– хўжалик юритувчи субъектларни зарурий услугубий материаллар билан таъминлаш;</li> <li>– хўжалик юритувчи субъектларда бухгалтерия хизмати ишини режалаштириш ва ташкил этиш;</li> <li>– ички аудит хизмати ишини режалаштириш;</li> <li>– ички аудит хизмати ишини амалга ошириш;</li> <li>– ташкил аудиторлик текникувларини ташкил қилиш ва ўтказиш;</li> <li>– бухгалтерия хисоби ва аудитда ахборот технологиялар тизимини яратиш вв улардан фойдаланиш билан боялиқ бўлган ишлаб чикариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш методлари ва механизмларини ишлаб чиқиш;</li> <li>– хўжалик юритувчи субъектларда ишлаб чикариш ва хизмат кўрсатиш жараёнларини назорат қилишда иштирок этиш;</li> <li>– самарали бошқарув қарорларини қабул қилиш;</li> <li>– иш режасини тузиш ва бу ишни назорат қилиш, ишни бажариш учун зарур бўлган ресурсларни режалаштириш, ўз ишининг натижаларини баҳолаш ва назорат қилиш тизими талабларига мослигини мониторинг қилиш.</li> </ul>
2	5A230901	Бухгалтерия хисоби (қишлоқ хўжалигига)	<p><b>Битирувчи қуидаги қасбий компетенция ва қобилиятларига эга бўлиши керак:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>– қишлоқ хўжалик корхоналарида бухгалтерия ишларини режалаштириш, ташкил этиш ва назорат қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси меъёрий-хукуқий хужожатларидан фойдалана олиш;</li> <li>– қишлоқ хўжалик корхоналарининг ўрта ва узоқ муддатли молиявий бюджетларини тузиш;</li> <li>– қишлоқ хўжалик корхоналари молиявий кўрсаткичларини баҳолаш;</li> <li>– қишлоқ хўжалик корхоналари молиявий фаолият даромад манбаларини шаклантириш;</li> <li>– фан ва техника ишланмаларини қишлоқ хўжалик корхоналарининг бухгалтерия хисоби хизмати амалиётiga жорий этиш;</li> <li>– қишлоқ хўжалик корхоналарининг барқарорлигини ошириш ва уни модернизациялаш орқали ривожлантириш йўлларини ишлаб чиқа олиш;</li> <li>– қишлоқ хўжалик корхоналарининг бухгалтерия ҳисобини амалга оширишда дастур ва режа лойиҳасини ишлаб чиқиш;</li> <li>– бажарилаётган бухгалтерия хисоби соҳасидаги амалий ишлар мавзуси бўйича иқтисодий моделларни ишлаб чиқиш ва татбиқ қилиш;</li> <li>– намунавий бухгалтерия ҳисобига оид бошлангич ва йиғма хужожатларни ишлаб чиқиш, такомиллаштириш ва уларни амалиётга кўллаш, бухгалтерия ҳисобининг компьютерлаштирилган слакларини (1С- Бухгалтерия, 1Uz бухгалтерия, Бухгалтерга</li> </ul>

		<p>электрон мадад ва бошқа) билиш ва қўллай олиш;</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>– илмий ва амалий фаолиятда бухгалтерия хисобини амалга ошириш воситаларини ривожлантириш ва улардан фойдаланиш;</li> <li>– бухгалтерия хисобини юритиш, молиявий ҳисботни тузиш ва уни тақдим этиш;</li> <li>– аграр сектор корхоналарининг молиявий фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш учун молиявий ва иктисадий ахборотларни таҳлил қилиш;</li> <li>– таҳлилий ҳисботларни тайёрлаш, олиб борилган тадқикот натижаларини изоҳлаш ва шарҳлаш;</li> <li>– молиявий барқарорликни таъминлаш ҳамда унинг кўшимча манбаларини шакллантиришни билиш, таҳлил қилиш, хуносалар бериш ва таклифларни ишлаб чиқиш;</li> <li>– бухгалтерия хисобини ташкил қилиш ва юритиш бўйича ахборот коммуникацион технологияларга асосланган дастурларни ишлаб чиқиш;</li> <li>– мутахассисликка мос янги илмий натижалар, илмий адабиётлар ёки илмий-тадқикот лойихаларини таҳлил қилиш;</li> <li>– ўтказилаётган илмий-тадқикот лойихалари мавзуси бўйича моделлар, алгоритмлар, методлар ишлаб чиқиш;</li> <li>– намунавий методикалар ва бошқалар бўйича тадқикотлар ўтказиш ва уларнинг натижаларига ишлов бериш;</li> <li>– илмий ва тушунтириш хатларини ишлаб чиқиш;</li> <li>– ўтказилаётган тадқикотлар мавзуси бўйича илмий шарҳларни ишлаб чиқиш, реферат ва библиографияларни тузиш;</li> <li>– илмий семинарлар ва илмий жараёнда иштирок этиш;</li> <li>– илмий журналларда мақолалар чоп этиш;</li> <li>– бухгалтерия хисоби хизматини ташкил қилиш ва бошқариш жараёнларини режалаштириш, фавқулодда содир бўлиши мумкин бўлган хавф-хатарларни таҳлил қилиш, бухгалтерлар гурухи жамоасини бошқариш;</li> <li>– e-learning ва m-learning технологиялари асосида корпоратив ўқитиши ташкил қилиш ва корпоратив маълумотлар базасини ривожлантириш;</li> <li>– бухгалтерия иш сифатини бошқариш жараёнларини ишлаб чиқиш ва татбиқ қилиш;</li> <li>– бухгалтерия ишлари ва бухгалтерлик профессонал хизматларни самарали амалга ошириш учун зарур бўлган жараёнлар ва ресурсларини режалаштириш;</li> <li>– замонавий ахборот технологиялари тизимини яратиш ва улардаи фойдаланиш билан боғлик бўлган бухгалтерия хисоби хизмати мониторинги ва сифатини баҳолаш усуллари ва</li> </ul>
--	--	--

		<ul style="list-style-type: none"> <li>- механизмларини ишлаб чикиш;</li> <li>- замонавий педагогик ва ахборот-коммуникацион технологиялар, ўкув тарбиявий фаолиятнинг интерактив методларини қўйлаган ҳолда педагогик фаолиятни олиб бориш;</li> <li>- маҳсус фанларни ўқитиши методикасидан фойдаланиш ва уларни такомиллаштириш;</li> <li>- бухгалтерия хисоби фанлари бўйича маъруза, амалий машғулотларни олиб бориши, ишлаб чиқариш малака амалиётларига раҳбарлик килиш; ўкув услубий кўрсатмалар, маъруза матнлари, амалиёт машғулотларидан қўлланмалар, тарқатма материаллар, ўкув фанлари ишчи дастурлар, календар режа, талабалар билимини рейтинг назорати жадвалини тузиш ва бошқа ўкув услубий ҳужжатларни тайёрлаш;</li> <li>- талабалар билимини назорат қилишда рейтинг тизими Низомидан тұғри фойдаланиш;</li> <li>- ўз мутахассислик фаолияти ва бошқа турдош касбларга самарали мослаша олиши керак.</li> </ul>
--	--	---

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги  
Ўкув юртлари ва малака ошириш бўлими бошлиғи

Ш.Жониколов

Ўзбекистон бухгалтерлар ва аудиторлар миллий ассоциацияси Кенгаш раиси



М.М.Тулаходжаева

МЧЖ шаклидаги “TRANS AUDIT A” аудиторлик ташкилоти директори



У.И.Тулаев

**Тошкент давлат аграр университети томонидан 410 000 – Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги таълим соҳаси Давлат таълим стандарти, бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича тайёрланган малака талаблари ва ўкув режаларини ишлаб чиқиши бўйича турдош олий таълим муассасалари билан**  
**КЕЛИШУВ БАЁННОМАСИ**

**Қибрай тумани**

**“\_” 2020 йил**

**Қатнашдилар:** Узбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги олий таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш бош бошқармаси бошлиғи - А.Холиков, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ўкув юртлари ва малака ошириш бўлими бошлиғи – Ш.Жоникулов, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини Давлат инспекцияси бошлиғи ўринбосари - Б.Муродов, Ўзбекистон фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгаши раиси - А.Хайтов, Ўзбекистон Республикаси ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси раиси ўринбосари М.Рузметов, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси раиси - Н.Бакиров, Экология ва атроф-мухитни муҳофаза килиш давлат қўмитаси раиси – Ш.Абдураззақов, Лимон етиштирувчилар ва экспорт килувчилар уюшмаси раиси – Н.Фахрутдинов, “Ўзбекпаксаноат” уюшмаси кадрлар, ўкув юртлари ва илмий муассасалари билан ишлаш бошқармаси бошлиғи – И.Султонова, “Ўзбекбалиқсаноат” уюшмаси бошқарув раисининг биринчи ўринбосари - Р.Курбонов, Ўзбекистон бухгалтерлар ва аудиторлар миллий ассоциацияси Кенгаш раиси-М.Тулаходжаева, Бағдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги директори - Н.Э.Нажимов, “Ўзагрокимёҳимоя” АЖ раиси ўринбосари - Р.Очилов, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Уруғчиликни ривожлантириш маркази директори – Ш.Номозов, “Фалла-Алтег” АЖ ишлаб чиқариш корхонаси директори – К.Кувватов, ЎзРФА Микробиология институти директори-К.Давронов, ЎзРФА Генетика ва ўсимликлар экспериментал биалогияси илмий-тадқиқот институти директори-А.Наримонов, Ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот институти директори – К.Маматов, Ўрмон хўжалиги илмий тадқиқот институти директори - А.Хамзаев, Академик М.Мирзаев номидаги “Бағдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий тадқиқот институти” бош директори - Ю.Саимназаров, Ўсимликлар генетик ресурслари илмий тадқиқот институти директори - А.Аманов, “Сабзавот-полиз экинлари ва картошкачилик” илмий тадқиқот институти директори - Р.Низомов, Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат соҳаси иқтисодиёти илмий тадқиқот институти директори-Б.Султонов, Атроф-мухит ва табиатни муҳофаза қилиш технологиялари илмий тадқиқот институти директори-С.Бўриев, Стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва техник жихатдан тартибга солиш илмий тадқиқот институти директори-А.Хамдамов, Чорвачилик ва паррандачилик илмий тадқиқот институти директори-А.Нурматов, Қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-тадқиқот институти директори-А.Ражабов, Тошкент давлат аграр университети ректори-Б.Сулаймонов, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ректори-Ў.Умурзаков, Самарқанд ветеринария медецинаси инситути ректори-Х.Юнусов, Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти ректори-К.Комилов, Тошкент давлат аграр университети ўкув ишлари бўйича проректори - С.Исламов, ТДАУ Нукус филиали директори-Е.Торениязов, ТДАУ Термиз филиали директори-А.Жўраев, ТошДАУ ўкув-услубий бошқармаси бошлиғи-М.Атабаев, таянч ва турдош олий таълим муассасаларининг факультет деканлари, кафедра мудирлари ва етакчи профессор-ўқитувчилари ва таклиф этилганлар

**КУН ТАРТИБИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сонли, “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини

ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида” 2020 йил 2 мартағи ПФ-5953-сонли Фармонлари, “Аграр таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2020 йил 30 июлдаги ПҚ-4795-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 2020 йил 9 январдаги РА1/1-20-сонли топшириғи ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 30 июндаги “2020/2021 ўкув йилидан кредит-модуль тизимига ўтиш тўғрисида”ги 357-сон буйруғида белгиланган вазифаларни ижросини таъминлаш мақсадида турдош олий таълим муассасалари ҳамда асосий кадрлар истеъмолчилари бўлган вазирликлар, идоралар ва бошқа корхоналар мутахассислари иштирокида 2020/2021 ўкув йилидан бошлаб кредит-модуль тизими асосида таълим жараёнини ташкил этилишини инобатга олиб 410 000 – Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги таълим соҳасининг Давлат таълим стандарти, 25 та бакалавриат таълим йўналишлари ва 33 та магистратура мутахассисликлари бўйича хорижий тажрибалар асосида тайёрланган малака талаблари ва ўкув режаларини мухокамаси.

**Сўзга чиқди:** А.Холиков – Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сонли, “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида” 2020 йил 2 мартағи ПФ-5953-сонли фармонлари, “Аграр таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2020 йил 30 июлдаги ПҚ-4795-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 2020 йил 9 январдаги РА1/1-20-сонли топшириғи ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 30 июндаги “2020/2021 ўкув йилдан кредит-модуль тизимига ўтиш тўғрисида”ги 357-сон буйруғида белгиланган вазифаларни ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент давлат аграр университетида ташкил этилган ижодий ишчи гурухлар томонидан “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”га мувофиқ ишлаб чиқилган 410 000 – Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги таълим соҳаси Давлат таълим стандарти, 25 та бакалавриат таълим йўналишлари, 33 та магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўкув режалари “Таълим тўғрисида”, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, шунингдек, асосий кадрлар истеъмолчилари ҳисобланган вазирлик, идора, ташкилот ва корхонларнинг олий ва ўрта махсус малакали кадрлар билан таъминланганлик даражаси, кадрлар тайёрлаш ва уларга бўлган реал эҳтиёжларни аниқлаш, уларнинг касбий малака ва қўнималарига қўйиладиган талаблар, худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларида белгиланган вазифалар, қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида ҳисоботлари ва таклифлари асосида хорижий тажрибаларни инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилган.

